



100004, Тошкент ш, Навоий кўч, 4
Тел: (998-71) 241-00-42, 241-23-73
Факс: (998-71) 244-23-98
E-mail: info@agro.uz <http://www.agro.uz>

4, Navaiy str, Tashkent 100004
Tel: (998-71) 241-00-42, 241-23-73
Fax: (998-71) 244-23-98
E-mail: info@agro.uz <http://www.agro.uz>

12.06.17г. № 04/31-32
№ _____ га

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси қонунчилик
палатасининг депутати
С.Исмонловга

Хурматли Соҳибжон Ибрагимович,

Вазирлик, Сизнинг 2017 йил 1 июндаги 1Т/03-83-сонли мурожаатингизни ўрганиб чиқиб қуйидагиларни маълум қилади.

Мурожаатингизда кўтарилган масала юзасидан вилоятнинг тегишли сув хўжалиги мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, “Нурсук” ҚФЙда яшовчи фуқаролар иштирокида ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасига қаршли “Нурсук” насос станцияси 1984 йилда ишга туширилган бўлиб, ушбу насос станция орқали 1050 гектар ер майдонларини сув билан таъминлаш учун хизмат килиши аниқланган.

Маълумот учун: “Нурсук” насос станцияда 3 дона сув чиқариш қобилияти 0,8 м³/с бўлган 22 НДС русумли насос ва 3 дона (2 дона 1600 кВт.ли ва 1 дона 1200 кВт.ли) электродвигателлар мавжуд.

Шунингдек, ишчи гуруҳи томонидан ўрганилганда ҳозирги вақтда насос станцияда 1 дона насос агрегати ишчи ҳолатда эканлиги, қолган 2 дона насос агрегатларида таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги аниқланди.

Маълумот учун: “Нурсук” насос станциясини реконструкция қилиш 2018-2021 йиллар давомида “Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги 107 та насос станцияларини модернизация қилиш 2-босқич” лойиҳасига киритилган.

Мазкур насос станциясини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилгандан сўнг, насос агрегатлари тўлиқ қувват билан ишлатилиб, насос станцияга боғланган экин майдонларини қафолатли сув билан таъминланиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда ҳудуддаги сув муаммосини бартараф этиш учун Сўх дарёсидан Нурсук канали орқали “Нурсук Бекобод” СИУга қаршли фермер хўжаликларининг экин майдонлари ва аҳоли томорқаларини суғориш учун етарли миқдорда сув билан таъминланаётганлиги, агар сувга эҳтиёж сезиладиган бўлса, 1 дона насос агрегатини режа асосида ишлатилиши бўйича ишчи гуруҳи ҳамда ҳудуддаги аҳоли билан келишиб олинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, худуднинг сув таъминотидаги муаммоларни бартараф этиш ҳамда “Нурсух” насос станциясини ишчи ҳолатда сақлаш ва таъмирлаш ишларини ўз вақтида бажариш бўйича Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари хавза бошқармаси бошлиғи (А.Рахматиллаев) ҳамда вилоят Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси бошлиғи (А.Холиков)лар масъул этиб белгиланади.

Илова: 6 varaқда.

Хурмат билан,

Вазир ўринбосари



Ш. Хамраев